



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 16 март, № 56 (8679)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини тубдан кенгайтириш зарурлиги таъкидланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Бош
вазир Олжас Бектеновни
яқинда ушбу лавозимга
тайинлангани билан самимий

қутлади ва масъулиятли фао-
лиятида катта муваффақият-
лар тилади.
Ўз навбатида, Қозоғистон

Ҳукумати раҳбари Ўзбекистон
Президентига Қозоғистон
Республикаси Президенти
Қосим-Жомарт Тоқаевнинг

саломи ва энг эзгу тилаклар-
ни етказди.
Учрашувда Ўзбекистон бил-
ан Қозоғистон ўртасидаги

кўп қиррали шерикликни янада
кенгайтириш масалалари кўриб
чиқилди. Хусусан, бўлажак олий
даражадаги қўшма тадбирларга
тайёргарлик доирасида ҳамкор-
ликнинг янги кун тартибини шакл-
лантиришга алоҳида эътибор
қаратилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳаж-
мини ошириш жараёнида, шу
жумладан, ваколатли вазирлар
бошчилигидаги ишчи гуруҳ дои-
расида тўсиқларни бартараф этиш
ва ўзаро келишилган чораларни
кўриш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатларимиз стратегик
шериклигида муҳим йўналишлар
бўлган саноат, транспорт ва
логистикада кооперацияни кен-
гайтириш масалалари муҳокама
қилинди.

Устувор тармоқлардаги инве-
стиция дастурларининг янги порт-
фелини ҳамда транспорт ва энер-
гетика соҳасидаги минтақавий
аҳамиятга эга инфратузилмалар
лойиҳаларни фаол илгари суриш
мақсадида мувофиқ экани таъкид-
ланди.

Ўзбекистон Президенти Ўзбе-
кистон ва Қозоғистон ўртасидаги
ўзаро манфаатли ҳамкорликни
тубдан кенгайтириш мақсадида
ҳукуматлар даражасида яқин ва
тизимли алоқаларни давом этти-
риш муҳимлигини қайд этди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

СПОРТ ТУРЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ РЕЖАЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев юртимизда оғир атлетикани
ҳамда маҳаллаларда футбол инфратузилмасини
ривожлантиришга оид тақдимот билан танишди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи-
ни шакллантириш, ёшларнинг вақтини
мазмунли ўтказишда спорт катта ўрин
эгаллайди. “Беш ташаббус” олимпиада-
си, республика чемпионатлари доираси-
да у кенг қўлам касб этмоқда. Шу билан
бирга, олимпия спорт турларини ривож-
лантириб, маҳоратли спортчиларни тай-
ёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратил-
моқда.

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” страте-
гиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қув-
ватлаш йили”да амалга оширишга оид
давлат дастурида оғир атлетика бўйича
барча ёш тоифасидаги спортчилар
билан индивидуал ишлаш тизимини
яратиш ҳамда уларни профессионал
даражада тайёрлаш учун Оғир атлетика
марказини ташкил этиш вазифаси бел-
гиланган.

Ушбу марказ Спорт вазирлиги ҳузури-
да Чирчиқ шаҳрида очилади. У ихтисос-
лаштирилган таълим муассасаси бўлиб,
7 — 11-синф болаларига сабоқ берила-
ди. Улар илғор усуллар асосида терма
жамоаларга асосий номзод сифатида
тайёрланади. Марказ 2025/2026 ўқув йи-
лидан фаолият бошлаши кўзда тутилган.

Шунингдек, Касаба уюмлари Феде-
рацияси кенгашининг ҳоимийлигида Оғир
атлетика спорт клуби ташкил этилади.
Қорақалпоғистон Республикаси, Наман-
ган, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари-
да ҳудудий мактаблар очилади.

Умуман, бу йўналишни ривожлантириш
мақсадида уч йиллик дастур ишлаб чи-
қилди. Унда ёшларнинг оғир атлетикага
қизиқишини ошириш, ҳудудларда спорт-
чилар учун етарли шароитлар яратиш,
селекция жараёнларини рақамлаштириш,
малакали хорижий мутахассисларни жалб
этиб, илғор тажрибаларни ўзлаштириш
каби вазифалар қамраб олинган.
Оғир атлетикани оммалаштириш мақ-

садида 3 босқичли мусобақалар, Марка-
зий Осиё ва “Uzbekistan Open” очик чем-
пионатларини ўтказиш режалаштирилган.
Юртимизда энг оммавий спорт тури,
бу — футбол. Шу боис маҳаллаларда
футбол инфратузилмасини ривожланти-
риш ва тармоғини кенгайтириш мақсад
қилинган.

Бунинг учун маҳаллаларда мавжуд ста-
дионлар ва бошқа спорт майдончалари-
дан самарали фойдаланилади. Улар йўқ
жойларда давлат-хусусий шериклик асо-
сида шундай иншоотлар барпо этилади.
Эркақлар ва аёлларнинг турли ёш тои-
фалари ўртасида маҳалла терма жамоа-
лари тузилади. Иктидорли ёшлар аниқ-
ланиб, профессионал футбол муассаса-
ларига йўналтирилади.

Бу борада маҳалладаги ёшлар етак-
чиларига Ўзбекистон футбол ассоциа-
циясининг ҳудудий бўлиналари ва спорт
мактаблари қўмаклашади.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб,
Англия мактаблари футбол ассоциацияси
тажрибаси асосида, 8 — 11-синф ўқувчи-
лари орасидан мактаб футбол етакчиси тан-
лаб олинади. 12 — 15 ёшлар ўртасида
икки босқичли “Маҳалла лигаси” ҳамда
16 — 30 ёш тоифалари орасида уч босқич-
ли Давлат хавфсизлик хизмати кубоги му-
собақаларини ўтказиш йўлга қўйилади.

Булар маҳаллалардан бошлаб футбол
инфратузилмасини ривожлантириш, икти-
дорли ёшларни танлаш ва қўллаб-қув-
ватлаш, миллий терма жамоалар учун си-
фатли захира шакллантиришга хизмат
қилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни
маъқуллаб, ёшлар ўртасида спорт ва
дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, му-
собақаларни юқори таъкиллий даражада
ўтказиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2025 йилда ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ 43-СЕССИЯСИНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан
ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизнинг
жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини янада ошириш ва мустаҳкамлашда,
икки ва кўп томонлама ҳамкорликларни кенгайтириш ва
чўқурлаштиришда ЮНЕСКО муҳим платформа вазифасини ўтаб келмоқда.

Бунинг натижасида 2017 — 2023 йилларда миллий
маданий меросимизнинг 14 та ноёб намунаси ЮНЕСКОнинг
рўйхатларидан жой олиб, инсоният мероси сифатида
халқаро миқёсда эътироф этилди. Бухоро шаҳри
Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритилди. 2023 йил
сентябрь ойида ЮНЕСКО Бош қароргоҳида буюк мутафаккир
ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг
1050 йиллиги кенг нишонланди.

Айниқса, 2023 йил 7 — 22 ноябрь кунлари Париж
шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг
42-сессияси якунида Ўзбекистон

Республикасининг ЮНЕСКО Бош конференциясининг
43-сессиясини (кейинги ўринларда — Сессия) 2025 йилда
Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси бир
овоздан қўллаб-қувватлангани жаҳон ҳамжамияти томонидан
муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

Ушбу нуфузли халқаро анжумани юқори даражада
ўтказишга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш,
шунингдек, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигини
янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси
43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига
тайёргарлик кўриш бўйича **ташкилий қўмита**
(кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилсин
ҳамда унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).



ҲАМЖИҲАТЛИК, ОБОДЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ТИМСОЛИ

Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ
байрамини кенг нишонлашга тайёргарлик
кўриш ҳамда муборак Рамазон ойини муносиб
тарзда ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб
борилмоқда. Яна шундай катта тадбирлардан
бири 16 — 18 март кунлари “Обод ва файзли
маҳалла — юрт қўрғи” шиори остида умумхалқ
хайрия ҳашарининг ўтказилишидир.

Ҳашар

Бундан маҳаллар, аҳоли тураржойлари, хиёбонлар,
зиёратгоҳлар, қабристонлар ҳамда болалар майдонча-
ларини ободонлаштириш, “Яшил макон” умуммиллий
лойиҳаси доирасидаги қўламазорлаштириш тадбирла-
рини давом эттириш, соғлом турмуш тарзи ҳамда сани-
тария-гигиена маданиятини тарғиб қилиш, шунингдек,
аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини
қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадлар қўзланган.

Халқимизга хос миллий урф-одатлар ҳамда ўзаро
меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлиқни ўзида муҳассас этган
қадимий ва азаали қадриятлардан бири — ҳашар. Бу
инсонларга бирдамлик, аҳиллик ва одамийликдан
сабоқ берувчи, бебаҳо тарбиявий аҳамиятга эга олий-
жаноб тадбирдир. Унинг замирида ободлик, бунёд-
корлик, ўзаро ёрдам, инсонпарварлик ва
хайр-саховат ётади.



Очиқ эшиклар куни

ПАРЛАМЕНТДА ДЕПУТАТЛАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва
бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга
оширишга оид давлат дастурида давлат органлари
раҳбарлари ва ёшларнинг тўғридан-тўғри очиқ
мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида депутатлар,
раҳбарлар, тадбиркорларнинг ёшлар билан
учрашувларини ташкил этиш белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасида “Очиқ эшик-
лар куни” доирасида бир
қатор тадбирлар ўтказил-
ди. Уларда Ўзбекистон
Миллий, Ўзбекистон дав-
лат жаҳон тиллари, Жаҳон
иқтисодиёти ва дипломатия,
Тошкент давлат иқтисодиёт,
Тошкент давлат юридик
университетлари, Ўзбе-
кистон халқаро ислом ака-
демияси, Тошкент халқаро
Вестминстер университети
академик лицейи ҳамда
Учтепа туманидаги 194-мак-
табнинг 300 нафардан зиёд
талаба ва ўқувчилари
иштирок этди.

Бундай учрашувлар
ёшларни мамлакат тарақ-
қийига муносиб улуш

қўйиш, ижтимоий-сиёсий
жараёнларда фаол ишти-
рокни таъминлаш баро-
ҳарида, парламент
ҳақидаги билимларини
янада мустаҳкамлашга
хизмат қилади. Зеро, йи-
гит-қизларни интеллекту-
ал салоҳиятини, ўз қатъий
позициясига эга, ҳаётий
ислохотларга бефарқ
бўлмаган, келажақ учун
даҳлдорликка тайёр, мақ-
садга интилувчан, ватан-
парвар, комил шахслар
сифатида тарбиялаш
давлатимиз раҳбари эти-
боридаги долзарб маса-
лалардан бўлиб, бу бўйи-
ча ўтган даврда тизимли
саъй-ҳаракатлар рўёбга
чиқарилди.

Олий Мажлис Қонунчи-



лик палатаси Спикери
Н. Исмоилов ҳамда депу-
татларнинг талаба ёшлар
билан учрашувларида
Президентимиз ташаббуси
билан барча соҳада амалга
оширилаётган ислохотлар-
нинг ҳуқуқий асоси, мамла-
катимиз тарихида биринчи
мarta умумхалқ референду-
ми орқали, яъни бевосита
халқимиз томонидан қабул
қилинган янги таҳрирдаги
Конституциямизнинг маз-
мун-моҳияти ҳақида атроф-
лича маълумотлар
берилди.



МУҲИМ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИДА АКС ЭТМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг
ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти
билан яқиндан танишиш, истиқболдаги
режаларни белгилаш мақсадида вилоят-
ларга ташрифи яхши анъанага айланди.
Ҳар галги ташриф ўша ҳудуддаги катта
ўзгаришлар, кенг қўламли бунёдкорлик-
лар ва янгиланишларга йўл очиб бер-
моқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил
14 март куни Сирдарё вилоятига сафари
ҳам қизгин руҳда ўтди. Узоқ қутилган таш-
риф аҳолининг кучига куч, ғайратига ғай-
рат қўшиб, уларни янги марралар сари
руҳлантирди. Олий Мажлис Қонунчилик

Акс садо

Аграр соҳа тараққийи
ва халқ фаровонлиги

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Аграр ва сув
ҳўжалиги масалалари қўмитаси
раиси, ЎзЛиДеП фракцияси
аъзоси:

— Кейинги йилларда қишлоқ
ҳўжалигини ислоҳ қилиш, ер му-



носабатларини тартибга солиш
борасида салмоқли ишлар қилин-
моқда. Аграр соҳада ҳаётга тат-
биқ этилаётган ислохотлардан
кўзланган бош мақсад шуки,
ўзгаришларни, янгиланишларни
ҳамма ўз кундалик ҳаётида ҳар
куни сезиши керак. Нарх барқа-
рорлиги таъминланган жойда
ўзгариш кузатилади, тараққий
тезлашади, одамлар ҳаётдан рози
бўлади, халқимиз фаровон
турмуш кечиради.

Ўзбекистон ва Туркия:

ИШОНЧ АСОСИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН АЛОҚАЛАР

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Нью-Йорк
шаҳрига амалий ташрифи давомида Туркиянинг Оила ишлари ва
иқтимоий таъминот бўйича вазири Махинур Оздемир Гекташ билан
учрашди.

Давлатларимиз раҳбарларининг
қатъий сиёсий иродаси ва биргалик-
даги саъй-ҳаракатлари туфайли бугун
Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги қар-
дошлик ришталари мустаҳкамланиб,
ҳамкорлигимиз ўзаро ишонч асосида
ривожланиб бораётгани алоҳида қайд
этилди.

Мулоқот чоғида гендер тенгликни
таъминлаш, муносиб меҳнат шароит-
ларини яратиш, аёллар тадбиркорли-
гини ривожлантириш, аҳолининг иж-
тимоий ҳимояга муҳтож қатламлари
билан ишлаш борасида ҳамкорлиқни
чўқурлаштириш масалалари муҳокама
қилинди.

Аёлларга нисбатан ва оиладаги
эъроқлиқнинг олдини олиш ҳамда

унга қарши курашиш борасидаги таш-
килий-ҳуқуқий базани тақомиллашти-
риш бўйича тажриба алмашиш мақса-
дида Олий Мажлис Сенати Хотин-қиз-
лар ва гендер тенглик масалалари
қўмитаси билан Туркия парламенти-
нинг Аёллар ва эркақлар учун тенг им-
кониятлар қўмитаси ўртасидаги ҳам-
корликни янада ривожлантириш так-
лифи илгари сурилди.

Конструктив ва амалий руҳда ўтган
учрашув якунида хотин-қизларнинг
иқтисодий имкониятларини рўёбга
чиқариш борасида қўшма лойиҳа ва
дастурларни амалга оширишга кели-
шиб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2025 йилда ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ 43-СЕССИЯСИНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2. Ташкилий кўмита (А.Н.Арипов): Сессияни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал қилиб борсин, шунингдек, ахборот-таҳлилий ва бошқа ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини таъминласин;

Сессиянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилишининг аҳамияти ҳақида юқори сифатли **медиамаҳсулотлар** ҳамда **аудиовизуал асарлар яратиш**, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериш бориш, ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, **хештег** ва **челленж** каби усулларни қўллаш орқали **кенг тарғиб қилиш** чораларини кўрсин;

Сессиянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши муносабати билан **“Самарқанд — жаҳон тамаддуллари чорраҳасида” китоб-альбом**ни ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этиш, **почта маркалари** ва **конвертлар туркумин**и яратиш, **тақвимлар** ва **кўргазмали тарғибот воситалари, эсдалик тангалари, кумуш ва олтин тангалар**нинг муомалага чиқарилишини ташкил қилсин;

Сессия доирасида Самарқанд шаҳрида тадбирлар ўтказиладиган жойларни замонавий техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозласин ҳамда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги объектлар ва зарур бўлган меҳмонхона фондини тайёрласин;

Сессия доирасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида маданий тадбирлар, экскурсиялар ва қабулларни юқори савияда ташкил этсин;

Сессия иштирокчиларининг келиши ва кетиши, уларга виза расмийлаштириш, транспорт ва tibбий хизматлар кўрсатиш масалалари самарали ҳал қилинишини мувофиқлаштирсин.

3. Сессия **“Silk Road Samarkand” сайёҳлик мажмуасида** ўтказилсин.

4. Сессияга тайёргарлик доирасида: Маданий мерос агентлиги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Иқтисодийёт ва молия вазирлиги билан биргаликда — Самарқанд шаҳридаги тегишли **маданий мерос объектларини асрашга доир**

ишларни ҳамда иммерсив ва мавзули кўргазмаларни ташкил этсин;

Ташқи ишлар вазирлиги — ЮНЕСКО Бош директори номига **Ўзбекистон Республикасининг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиши** учун расмий ариза топширсин;

ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия — Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектларини тегишлича ЮНЕСКОнинг **Ижодкор шаҳарлар** ҳамда **Таълимни тарғиб этувчи шаҳарлар тармоқлари**га, шунингдек, **халқаро рўйхатларига киритиш** чораларини кўрсин;

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси — ЮНЕСКО мезонлари асосида ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда Самарқанд шаҳрида **Буюк Ипак йўли давлат музейини** ташкил этиш, соҳибқирон **Амир Тему**р боғларини қайта тиклаш, **Бибихоним мажмуасини** реставрация қилиш, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган **Бухоро тарихий марказини муҳофаза қилишга қаратилган унинг мастер ва менежмент режаларини** ишлаб чиқиш бўйича тегишли қарорлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда — **Сессиянинг мамлакатимизда ўтказилишининг аҳамиятини**, шунингдек, **Ўзбекистон жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига, глобал ташаббуслар муаллифига айланиб бораётганини** атрофлича очиб беришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этсин.

5. Қўйидагилар:

2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича **“Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш доирасида **хорижий давлатларда тарғибот ишларини ташкил этадиган Ўзбекистон**

Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва олий таълим муассасалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар ушбу қарорга мувофиқ **давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихи**, жаҳон цивилизациясига бекиёс хисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган **ислохотлар натижаларини хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш** ҳамда улар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш чора-тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширсин.

6. Белгилансинки:

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Ташкилий кўмитанинг **Ишчи органи** (кейинги ўринларда — Ишчи орган) ҳисобланади;

“ИнтерФорум” давлат унитар корхонаси Сессияни ташкил этишга тайёргарлик кўриш бўйича **Бош оператор** ҳисобланади;

вазирликлар ва идораларнинг биринчи раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар, шунингдек, Ташкилий кўмита ҳамда Ишчи органининг бошқа тезкор кўрсатмалари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Ташқи ишлар вазирлиги Сессия иштирокчилари учун Ишчи органининг виза талабномаларига биноан кириш визаларини консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан, зарур ҳолларда “Тошкент” ва “Самарқанд” халқаро аэропортларида расмийлаштиришни таъминласин.

8. **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарининг умумий штат бирликлари сонини ўзгартирган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси (кейинги ўринларда — Доимий ваколатхона) штатлар жадвалига маслаҳатчи ва иккинчи

котиб иккита қўшимча штат бирлиги киритилсин, шунингдек, Доимий ваколатхонага қўшимча битта транспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Доимий ваколатхонани сақлаш харажатларини унинг ташкилий-штат тузилмасидаги ўзгаришларни ва қўшимча битта транспорт воситасини сақлашга лимит ажратилганини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йилга мўлжалланган Давлат бюджети параметрларида Ташқи ишлар вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Сессиянинг мамлакатимизда ўтказилишининг аҳамияти ҳамда ушбу қарор доирасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича (ЮНЕСКО) доимий ваколатхонаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3957-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси раиси Г.О.Умерова ва ташқи ишлар вазири Б.О.Саидов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2024 йил 15 март	

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазирининг ўринбосари Б. Желазовска бошчилигидаги парламент делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Польша муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари, хусусан, парламентлараро ҳамкорлиқни кенгайтириш, уни янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасида ўзаро тажриба алмашиш-ни фаоллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Меҳмонларга Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш,

ижтимоий инфратузилмани та-комиллаштириш, мамлакатимиз барқарор ривожланишини таъ-минлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисида маълумот берилди.

Ўз навбатида, Польша томо-ни Ўзбекистонда демократик дав-лат асосини мустаҳкамлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтла-рини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохот-ларни юқори баҳолади.

Сўхбат давомида икки томон-лама парламентлараро мулоқот изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Давлатларимиз қонун чиқарувчи

органлари ўртасида ўзаро ман-фаатли соҳалардаги ҳамкорлик-ни янада фаоллаштириш юзаси-дан қизиқishi билдирилди.

Худудлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва сармоявий шерик-лиқни кучайтириш масалалари ҳам кўрилди.

Варшава — Тошкент — Вар-шава тўғридан-тўғри авиакатно-ви очилиши Польша томони учун ҳам жуда узоқ кутилган воқеа экани алоҳида урғуланди.

Шунингдек, томонлар туризм соҳаси ҳамкорлиги бўйича катта салоҳият мавжудлигини, икки давлат пойтахтлари ўртасида мунтазам авиакатновлар йўлга қўйилгани ишбилармонлик ало-қаларини кенгайтириш, ўзаро сайёҳлик оқимини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ЖОЙЛАРДА ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

Маълумки, кейинги даврда юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлиқни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш ҳамда муҳим ижтимоий масалаларга оид очиқ маълумотлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Табиийки, ушбу ҳужжатлар ижроси янада муҳим.

Шу мақсадда яқинда Олий Мажлис Сенати-нинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқлиқни таъминлаш масалалари кўмитаси аъзолари Жиззах вилоятида бўлиб, маҳаллий Кенгаш билан ҳамкорликда очиқлиқни таъмин-лаш ҳамда рақамлаштириш борасидаги ишлар-ни атрофлича ўрганиб чиқди. Айни чоғда бу борадаги ҳолат масъуллар иштирокида батаф-сил таҳлил қилинди.

Муҳокамада сенаторлар, маҳаллий Кенгаш-ларнинг доимий комиссиялари раислари, дав-лат ҳокимияти органлари матбуот котиблари ҳамда вазирлик ва идоралар масъуллари иш-тирок этди.

Таъкидланганидек, вилоятда давлат ҳокими-яти органлари фаолиятида очиқлиқни таъмин-лаш ва рақамлаштириш йўналишида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 16 турдаги маълумотлар мунтазам равишда ви-лоят ҳокимлиги томонидан эълон қилиб келинган. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида матбуот котиблари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган. Омма-вий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқ-лар орқали вилоятга оид 238 та танқидий мате-риал эълон қилинган бўлиб, уларнинг барчасига ўз вақтида тезкор муносабат билдирилган.

Шунингдек, ижро органлари, худудлардаги ижтимоий соҳа объектлари фаолияти тўлиқ ра-қамлаштирилган бўлиб, тезкор алоқа восита-лари билан таъминланган ва интернет тармо-ғига уланган.

Мобиль алоқа тармоқлари соҳаси бўйича 127 та янги база станцияси ўрнатилиб, 297 таси модернизация қилинган ва худудлардаги аҳоли масканларининг 97 фоизи мобиль алоқа, 92,4 фоизи кенг полосали мобиль интернет хизматлари билан қамраб олинган.

Сенаторлар вилоятда кўлга киритилган шу каби ютуқлар билан бирга, айрим муаммолар мавжудлигига ҳам эътибор қаратишди.

Қайд этилганидек, маҳаллий давлат ҳокими-яти органларининг расмий веб-сайтларида кенг жамоатчилик учун долзарб бўлган янгиликлар мунтазам бериб борилмаган, ижтимоий аҳа-миятга эга маълумотлар эълон қилинмаган.

Айрим туман ва шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайтиларида эълон қилинган теле-фон рақамлари доимий равишда ишчи ҳолатда эмас, маълумотлар алмашинувчи (қайта алоқа) тўғри йўлга қўйилмаган.

Вилоятнинг Зафаробод, Мирзачўл, Янгйобод ва Баҳмал туманлари ҳокимликларининг матбуот котиблари учун етарли шaroитлар яратилмаган.

Ишчи гуруҳ томонидан юқорида аниқланган камчиликларни ҳал қилиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Бу борада ишларни сама-рали ташкил этиш мақсадида алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди.

Мажлисида кўрилган масалалар юзасидан Сенат кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТДА ДЕПУТАТЛАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Шунингдек, миллий сайлов қонунчилигимиз умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан янада ри-вожлантирилгани қайд этилди. Ху-сусан, сайлов ва референдум ўтка-зиш тартибини янада такомил-лаштиришга қаратилган Конституция-вий Қонун билан мамлакатимизда янги сайлов тизими жорий этилиб, сайлов ва референдум ўтказишнинг очиклиги, шаффофлигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Жумладан, эндиликда Қонунчи-лик палатаси сайлови аралаш (ма-жоритар, пропорционал) сайлов ти-зими асосида ўтказилади. Унда Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизи-ми асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими (партиялар рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овоз-лар бўйича ягона сайлов округи-дан сайланиши назарда тутилди.

Учрашувларда талаба ва ўқувчи-ларга қўйи палата, сиёсий партия-лар фракциялари ҳамда кўмиталар иш фаолияти, қонунларни қабул қилиш жараёни ҳақида сўзлаб бе-рилди. Хусусан, қонун лойиҳалари-ни ишлаб чиқиш, уларни дастлабки тарзда кўриш, биринчи ва иккин-чи ўқишга тайёрлаш, ялли мажлис муҳокамаларига киритиш билан боғ-лиқ муҳим масалалар юзасидан ат-рофлича маълумот берилди.



Таъкидланганидек, ёшларни қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб этиш қабул қилинаётган қонунларда ёшлар ҳуқуқ ва манфа-атларини акс эттириш, уларнинг жамият ҳаётида фаоллиги ва та-шаббускорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис мулоқотларда бугунги ислохотларнинг барчаси ёшлар учун, уларга ҳар томонлама шар-оит яратиш учун амалга ошири-лаётгани таъкидланиб, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ҳамда унинг ҳузуридаги Ёшлар парламенти фаолияти ҳақида батафсил маъ-лумот берилди.

Талабалар, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди ҳамда ўз таассуротлари билан ўртоқлашишди.

— Учрашувда биз қўйи палата фаолияти, норма ижодкорлиги, сиёсий партиялар фракциялари ва кўмита иш услублари ҳамда парла-ментаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик, — дейди Ўзбекистон Мил-лий университети талабаси Суна-тилла Юлдошев. — Палата мажлис-ларини тўғридан-тўғри эфир орқа-ли доимий кузатиб бораман. Бугун эса Қонунчилик палатасига келиб, қонун ижодкорларининг фаолияти билан яқиндан танишдик. Айнан ҳуқуқ соҳасида таҳсил олаётганим учун бу ерда олган маълумотларим фойдали бўлди. Бундай мулоқотлар мен каби бўлажак ҳуқуқшунослар учун яхши тажриба мактаби бўли-шига ишончим комил.

— Қонунчилик палатасига бирин-чи марта келишим, — дейди Тош-

кент давлат юридик университети талабаси Севинчон Тошматова. — Тўғриси, палата биноси ичарисига кириб, депутатлар ҳақидаги тасав-вурларим умуман ўзгарди. Улар бил-лан самимий мулоқот қилдик. Қабул қилинаётган қонунлар мазмунини, му-ҳокамалар жараёни, тортишувлар, бахс-мунозаралар ҳақида маълум-отларга эга бўлдик. Бу бизда кат-та қизиқishi уйғотди. Айниқса, қонунларни биринчи, иккинчи, учинчи ўқишда қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фойдали ахборотлар олдик.

“Очиқ эшиклар” куни доираси-даги тадбирларда ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси му-зейи, катта мажлислар зали ҳамда кутубхона фаолияти билан яқиндан танишдилар.

«Халқ сўзи».

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЕТАРЛИЧА ЖОРИЙ ҚИЛИНАПТИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда “Сув хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилиш: муаммолар ва ечимлар” мавзусида конференция ўтказилди.

Тадбир

Унда сенаторлар, тегиш-ли вазирликлар мутасадди-лари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ва томоққа ер эга-лари кенгаши вакиллари, экспертлар гуруҳи аъзола-ри, илмий-тадқиқот инсти-тути олимлари, олий таъ-лим муассасалари профес-сор-ўқитувчилари, таянч докторантлар, мустақил из-ланувчилар, амалиётчи му-тахассислар, талаба ва ма-гистрантлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходим-лари иштирок этди.

Таъкидланганидек,

кейинги йилларда сув хўжалигида илмий тадқи-қот фаолияти самарадор-лигини ошириш, иннова-цион технологиялар ва илм-фан ютуқларини қўллаш, агр-рар соҳага инновациялар-ни жорий қилиш билан боғ-лиқ хизматларни ташкил этиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳав-засида сув ресурси 5 фо-изга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши ку-

тилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сув умумий тақчил-лиги 3 млрд. метр кубдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 15 млрд. метр куб бўлиши кутулкида.

Минтақада сўнгги йил-ларда глобал иқлим ўзга-риши, қор ва ёғишлар кам ёғиши, музликлар ва йирик дарёлар ҳавзаларида, кичик дарё ва сойларда сув мик-дорининг камайиб бораёт-ганили, шунингдек, транс-чегаравий сувдан фойдала-ниш муаммолари туфайли республикада ўртача йил-лик 51 — 53 млрд. метр куб сув ресурсларидан фойда-ланилмоқда. Кўрсаткич аж-ратилган сув олиш лимити-га нисбатан 20 фоизга қисқарган.

Тадбир иштирокчилари томонидан таъкидлангани-дек, Президентнинг сув

хўжалигини ривожланти-ришга оид Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъ-минлаш мақсадида ўтган йилда соҳада бир қатор ишлар рўёбга чиқарилган ва муайян натижалар кўлга киритилган. Маса-лан, ирригация йўналиши-да 393 километр канал, 58 километр лоток, 19 та гидротехника иншооти, 4,3 м³/с насос станцияси, 4,6 километр босимили қувурлар, 2 та кўприк ва 60 та суғориш кудуғи қурилган ва реконструкция қилинган, 9,1 километр қирғоқда химоя ишлари бажарилган.

Мелиорация йўналишида 230 километр очик, 156 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 6 та вертикал дренаж кудуғи, 59 та гидротехник иншоот, 58 та кузатув кудуғини

қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ууддаланди.

Бу тадбирларни амалга ошириш натижасида ирри-гация ва мелиорация объектларининг техник ҳолати яхшиланиб, лойиҳа-лар ҳудудидagi 208 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти ва 106 минг гек-тар суғориладиган ер май-донларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига за-мин яратилган.

Шунингдек, анжуманда сув хўжалигида инноваци-он технологияларни жорий қилиш жараёни билан боғ-лиқ муаммоларни таҳлил этиш асносида илмий асос-ланган ҳулосаларни ҳаётда кенг қўллаш яхлит тизими-ни яратиш масаласига тўхталиб ўтилди.

Тадбирда соҳа ривожига йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».



МУҲИМ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИДА АКС ЭТМОҚДА

Президентимиз Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Сайхунобод туманида бўлиб ўтган томорқа ва уй ҳўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида ҳам бу масалага алоҳида тўхталди.

Маълумки, Сайхунобод туманининг энг катта заҳираси ҳам, имконияти ҳам — ер. Томорқаларда асосий экин беда билан макка бўлиб қолган. Сархил мева-сабзавотлар етиштириб, даромад олиш, экспорт қилиш йўлга қўйилмаган. Шу сабабли, тумандаги 17 мингта хонадондаги томорқани ишга солиш, кичик саноат ва хизматларни йўлга қўйиш орқали аҳолини даромадли қилиш вазифаси қўйилди.

Бу бежиз эмас. Зеро, томорқа — энг катта даромад манбаи ҳисобланади. Лекин ҳамма фуқароларимиз ҳам ердан самарали фойдаланяпти, деб бўлмайди. Шу боис илк бор янги тажриба қилинди, 19 та маҳалланинг чора берига биттадан минитрактор, 4 тадан мотокультиватор олиб берилди.

Айтиш жоизки, томорқада етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш ҳам муҳим масала саналади. Шу маънода, туманда экспортга қўмаклашувчи корхона очилиб, уставига 1 миллиард сўм киритилади. Бу корхона 4 минг хонадонга серхосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимьян уруғларини етказди, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш, экспорт қилади.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Шунингдек, тумандаги 19 та маҳалланинг ҳар бирида 10 тадан хонадонда намунавий интенсив бог яратилади. Кооперация асосида уларга экспортчилар боғланиб, 2 минг тонналик сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш мажмуалари ташкил этилади. Буларнинг барчаси аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида, янги иш ўринлари яратишга ҳам хизмат қилиши аён.

Сир эмаски, қишлоқ ҳудудларда яшовчи юртдошларимиз борки, ҳовлисида, битта бўлса ҳам, сигир боқади. Сабаби улар чорва оиланинг баракаси эканини яхши билади. Ҳовлисида битта соғин сигири бор рўзгорнинг дастурхони доим тўкин, даромади баракали бўлади.

Шу нуктаи назардан, ташриф давомида ҳудудда чорвачилик соҳасини кенгайтириш мақсадида аҳолига озуқага ер бериш ва кредит олишида амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилиши ҳам белгиланди. Бу борада чорвасини кўпайтириш истагидаги оилаларга озуқа учун 400 гектар ер, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида қорамол, қўй ва эчки олиш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит гаровсиз, нақд пулда берилиши айтиш мумкин. Бу, ўз навбатида, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, чорвачилик маҳсулотлари экспортини янада ошириш, энг муҳими, нархнаво барқарорлигини таъминлашга туртки бўлади.

Умуман олганда, ташриф доирасида одамлар турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилдики, буларнинг барчаси вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб, ҳудуднинг бекиёс имкониятларини юзасига чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Турмушидан рози бўлиб яшаш бахти

Шерзод ҚУЛМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:
— Мамлакатимиздаги ислохотлар, бунёдкорлик шуқуҳи, маънавий-маданий ишлар самараси сирдарёликлар ҳаётига ҳам янги мазмун киритмоқда. Зеро, вилоятда сўнгги 7 йилда бир неча ўн йилликларда амалга ошмаган ишлар бўлди. Нафақат вилоят маркази, балки энг олис қишлоқлар ҳам мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Одамларни йиллар давомида ўйлантириб келган йўл, ичимлик суви, электр энергияси билан боғлиқ масалалар ечилди.

Бу ютуқлар тасодифан эмас. Улар неғизда чуқур ўйланган сиёсат, халқимизнинг фидокорона меҳнати турибди. Илчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилаётган ислохотлар натижасида тадбиркорлик ривожланди, янги корхоналар қад ростлади. Одамлар меҳнат қилиб, даромад топиши, ҳар бир кундан, ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун барча шароит муҳайё қилинди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги Сирдарё кечаги Сирдарё эмас. Вилоятда бўлаётган ўзгаришлар, энг муҳими, одамлар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар ушбу вилоятнинг ҳақли равишида янги тарихи бошланганидан дарак беради.

Бир пайтлар вилоят марказга яқин жойлашган бўлса-да, лекин бундай шароитлар бўлмаган, аҳоли учун қўлайликлар яратишга эътибор қаратилмаган. Ҳудудда ҳозир амалга оширилаётган лойиҳаларни эшитиб, мана, кўп йиллар давомида қилинмаган ишларни қисқа муддатда ҳам қилса бўларкан-ку, дейсиз.

Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи ҳудуд аҳлининг қайфиятини ниҳоятда кўтарди, уларни фаолликка қорлади.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Сайхунобод тумани Иттифок маҳалласида бўлиб, томорқа ва уй ҳўжаликларидаги омиқкорлик билан танишди. Шу ерда томорқа эгалари, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди.

Сайхунобод туманида ерда томорқа ва уй ҳўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳим вазифалар белгилаб берилдики, уларнинг ҳаммаси инсонни рози қилиш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгани билан эътиборга молиқдир.

Масалан, хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил қилишга қўмаклашиш зарурлиги айтилиб, шу мақсадда туманда тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилашга 60 миллиард сўм берилиши қайд этилди. Бўш турган 21 иншоотга эса инвесторлар жалб қилиниб, фойдаланишга киритилади. Энг муҳими, Фаровон маҳалласида 35 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил қилиниб, қамида 100 миллион долларлик саноат лойиҳалари бошланади. Тасаввур қилармизки, бу каби лойиҳалар ижроси натижасида туманда тадбиркорлик кенг

қулоч ёйди, минг-минглаб ёшлар шу ернинг ўзиде ишли, даромадли бўлади.

Сирасини айтганда, бугун вилоятда мўъжизалар рўй бермоқда. Бундай бунёдкорлик руҳи янги марраларни забт этишга қорлайди. Юртдошларимизнинг қўлларидаги қувонч, ҳаётдан мамнулик, айниқса, ёшларимизнинг нигоҳларида барқ уриб турган ғайрат-шижоат, эртанги кунга ишонч уларнинг порлоқ келажигидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи вилоятни янада ривожлантириш, инсон кадрини улуғлаш, халқни рози қилиш, ҳудуднинг бекиёс имкониятларини юзасига чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Сайхунобод тажрибаси — бутун республикада

Иномжон ҚУДРАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида ўтказган видеоселектор йиғилишида томорқа ва уй ҳўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш халқимиз турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилишини таъкидлаш бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда одамлар яхши яшашга интилаётгани, уларга маблағ ва қўмак бериб, даромад манбаи яратиш зарурлигини қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг ўзбек халқи азалдан ризқу рўзи, насибасини қилган зироатидан топган ва ҳозирда ҳам қишлоқ ҳўжалигининг ва чорвачиликнинг ривожланиши албатта, юртимизнинг фаровонлигига чамбарчас боғлиқ.

Лекин кейинги йилларда Сайхунобод туманидаги натижалар хурсанд бўладики, қарамай, йўналтирилаётган маблағлар самараси сезилмаётгани айтиб ўтилди. Қолаверса, ҳалол меҳнат, ташаббус ҳаракати туфайли жамиятга, маҳалласига нафи тегиши мумкин бўлган баъзи оддий одамларимиз банкдан кредит ололмади, сарсон бўлмоқда.

Иқтисодиётда ноаниқликлар ва ношаффоф иш юритилишига қарши ҳисобланган “Адолат” СДПдан сайланган депутат сифатида йиғилишда қайд қилинган айрим статистик рақамлар эътиборини тортди.

2023 йилда туманда 167 та янги тадбиркор пайдо бўлган бўлса, шунинг ярами ҳали иш бошламаган. Уйлаб қолсан, киши. Бу каби қўзғўямчилик билан кимни алдамаслиқни ёки бу билан нимага эришамиз?

Эътиборли жиҳати шундаки, йиғилишда тумандаги ҳар бир муаммонинг сабаб ва оқибатларига тўхталиб ўтилгани билан бир қаторда ечимини кутаётган ҳар бир масалани ҳал этиш йўллари аниқ қилиб кўрсатилди.

Шу нуктаи назардан, биз, парламент аъзолари жойларда ураб турган тизимли муаммоларни аниқлашда ва ечимларни тақлиф қилишда ҳамда Сайхунобод тажрибаси ижросини назорат қилишда жонбозлик кўрсатишимиз керак. Энг муҳими, ҳудудларимизни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларимиз ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганишимиз лозим.

Томорқа маданияти — фаоллик ва барқарорлик калити

Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз вилоятга ташрифи давомида томорқадан унумли фойдаланиш билан бирга, унда етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш тизимини йўлга

қўйиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда туманда экспортга қўмаклашувчи корхона очилиб, уставига 1 миллиард сўм киритилади. Бу корхона 4 минг хонадонга серхосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимьян уруғларини етказди, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади.

Сайхунободга ташриф чоғида мутаассадилар олдида қўйилган вазифа ва топшириқлар кенг қамровли бўлиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжидан тортиб, фаровон яшаш, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, иш билан таъминланиш, уй-жойга эга бўлиши каби жиҳатларни қамраб олган. Гап ёндашувда, қайфиятда, одамларнинг боқимандалиқдан чиқиб, янги ҳаёт бошлашга интилишида қолмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий фаоллик бўлиши, ҳар оиланинг меҳнат ва даромад манбаи яратилиши Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳам мос келади. Биз, депутатлар белгилаб берилган вазифаларни тўла қўллаб қувватлаган ҳолда, имконият ва имтиёزلардан фойдаланиш, ёрдамнинг ҳақиқий муҳтожга етиб бориши, одамларнинг интилувчанлигини ошириш учун жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишимиз керак

Равшанбек БЕГМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:

— Кейинги йилларда республикада сув ресурсларидан самарали фойдаланиш уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги объектиларини модернизация қилиш, сувдан фойдаланишга доир қонунчилик базасини кучайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Эътибор беринг, 2018 йилгача республика бўйича сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар 28 минг гектарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1,2 млн. гектарга ёки суғориладиган ер майдонларига нисбатан 28 фоизга етди.

Ҳозирда сувни тежамкорлик билан сарфлаш нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда долзарб масалага айланган. Сўнгги йилларда олиб борилаётган ишларга қарамай ҳали ҳам сувга бўлган муносабат ўзгармаган ҳудудлар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Чунки Сайхунободнинг 19 километр ҳудудидан Сирдарё оқиб ўтгани учун “сув текин” деган тушунча ўрнашиб қолган. Атиги 22 фоз ерларда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган.

Шунингдек, шойичилик фермер ҳўжаликлари лазерли текисланмаган. Каналларни бетонлаш режаси тўлиқ бажарилмагани оқибатида 9 та маҳалладаги 5 минг гектар ерга сув кам борапти.

Айтиш жоизки, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали сув баланси ва экология бузилишининг олдини олиш мумкин. Бу нафақат аграр соҳани қафолатланган ва барқарор сув билан таъминлаш, балки минтақанинг экологик ҳавфсизлигини сақлаш имконини ҳам беради.

Шу маънода, мамлакатимизда сувни тежаш, уни исроф қилмаслик, қадрига етиш, меъёрида фойдаланиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди ва бу амалий ишлар давом этмоқда. Чунки мамлакат тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятида “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” тамойили мўжассам.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи давомида белгилаб берилган устувор вазифалар барча раҳбарлар қатори биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундай экан, биз бу борада янада фаол бўлиб, ушбу топшириқлар ижроси устидан доимий равишда депутатлик назоратини ўрнатиб боришимиз керак.

«Халқ сўзи».

Томорқа-уй ҳўжалиги:

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбарининг аҳоли яшаш шароитлари билан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманига қилган ташрифи гоётада самарали ва қизғин кечди, десак, айтиш ҳақиқат.

Айниқса, ташриф доирасида томорқа ва уй ҳўжаликларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар, шунингдек, ушбу йўналишда тақдим этилаётган янада қўлай шароитлар сайхунободликлар, хусусан, томорқа эгаларига катта мотивация бўлди. Шу билан бирга, соҳадаги айрим муаммо ва камчиликларнинг

ечими ҳам кўрсатиб ўтилдики, бу ҳам яхши самара бериши, шубҳасиз.

Билдирилган танқидий-таҳлилий фикрлардан сўнг биргина Сайхунобод тумани Эмас, балки бутун вилоят аҳли томорқа ҳамда умуман, уй ҳўжалигини юритишга янги ва масъулият билан ёндашишга киришаётди.

Мухбиримиз видеоселектор йиғилишида бевосита иштирок этган айрим юртдошларимиз фикрлари билан қизикди.

Ернинг умри бекор ўтиши ҳам увол

Турсунбой АРИПОВ, Пахтакон маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси, боғбон:

— Ёшим 73 да. Лекин ҳали ғайратим баянда. Айниқса, кўни кеча Президентимиз билан учрашиш бахтига муяссар бўлганимдан сўнг кўчимга янада куч, шижоатимга шижоат қўшилди.

Видеоселектор йиғилишида томорқадан фойдаланишдаги камчиликлар ҳамда аҳолини бой қилишнинг ҳали ишлатилмай ётган имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга эришиш борасидаги вазифаларни эшитиб, гарчи ёшим улғ бўлса-да, уларни бажаришга ўзимни дахлдор, деб ҳис қилдим. Чунки эсимни таниганимдан онгимда ернинг умри бекор ўтиши ҳам увол, деган тушунча мўҳим жой олган.

Бир неча йиллардан бўён узумчилик билан шуғулланаман. Сайхунобод шароитида ҳам Олтиарқаниқидек ширин ва сархил узум етиштириш мумкинлигини ўз томорқамиздаги боғнинг ҳар йилги ҳосили мисолида кўрарман. Ҳозирда жами тоқзоримиз 80 сотих. Унда “хусайни”, “келин бармоқ”, “ризамат”, “мерседес”, “шоҳонаки” сингари узум навлари мавжуд. Боғимиз мўмай

даромад келтириш билан бирга, катта оиламиз аъзоларининг бандлигини ҳам таъминламоқда.

Қувонарлики, маҳалламизда томорқасида узумзор барпо қилган хонадонлар тобора кўпаймоқда. Эҳдиликда бу ерни узумчиликка ихтисослаштирилган манзил, дейиш мумкин.

Яна бир гап. Президентимизнинг туманимиздаги маҳаллаларининг ҳар бирида истаги борларга намунавий интенсив бог қилиб берилади, деган гаплари биз, боғбонларни жуда хушнуд қилди. Аҳоли томонидан теразорлар барпо этиш учун белгилаб берилган вазифа ҳам қўшимча даромад топиш учун қўпчиликка имконият яратади.

Рўзгоримиз кўмакчиси

Ҳайитали АҲМЕДОВ, Иттифок маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси:

— Турмушимизнинг чиройли, тўкин бўлиши, аввало, ердан қай даражада унумли фойдаланишимизга боғлиқ. Шўрк, қишлоқларимиздаги хонадон борки, ана шундай бебаҳо бойлик — томорқасига эга. Хусусан, Президентимиз таъкидлаганидек, туманимизнинг энг катта заҳираси ҳам, имконияти ҳам — ер ҳисобланади. Яъни видеоселектор йиғилишида иштирок этиб билдимки, Сайхунобод мамлакатимиздаги аҳоли томорқаси 20 сотихдан ортиқ бўлган 26 та тумандан бири экан.

Бизнинг ҳовлимиз ҳам кенг-мўл — 18 сотих. Ҳар йили томорқамизда бирор қарич ҳам ер бўш қолдирилмайди. Сабабот экинларидан бир йилда икки марта ҳосил оламиз. Мева-вали дарахтларни томорқамиз четда ўстирамиз. Натижада еримиздан анча-мунча даромад топиш билан бирга, рўзгоримизга керакли мева-чева, сабзавот ҳам оламиз. Содда қилиб айтганда, томорқамиз рўзгоримизнинг энг ишончли кўмакчиси, таянчи.

Йиғилишда биз, томорқа эгаларини хурсанд қиладиган янгиликлар, хушхабарлар кўп бўлди. Улардан бири — туманимиздаги ҳар бир маҳаллага минитрактор берилгани. Бу аҳолига катта қўлайлик. Айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг ерларини текин ҳайдаб бериш тарти-

би ҳам жорий этилаётгани жуда маъқул иш бўлди. Қолаверса, ҳудудимизда тўртта йирик паррандачилик фермаси шароитида қилиниши юзлаб хонадонларга фазйзу барака олиб қиради.

Айтилишича, мазкур корхоналарнинг ўзи 2 мингта хонадонга 500 тадан 2 мингтагача жўжа тарқатиб, уларда саноат усулида йилга ўртача 6 марта маҳсулот олишни ташкил қилади. Озуқани ҳам корхонанинг ўзи етказди, боқини ҳам ўргатади, парвартишга ҳам қўмаклашади. Натижада хонадонларда йилга 10 миллион парранда боқиқили, шунинг ўзидан туманда йилга қўшимча 22 минг тонна парранда гўшти етиштирилади.

Бу жуда катта марра! Яъни икки мингта оила, бошқача айтганда, бир неча минг кишининг фаровон яшашига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳадир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

